



**ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО АХБОРОТ
АЛМАШИНУВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ
ТАҲЛИЛИ**

Бердикулов Жавлонбек Нодирович

ИИБ Академияси Магистратураси тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21191074>

Аннотация. Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида халқаро ахборот алмашинувининг ҳуқуқий асослари, уларнинг миллий ва халқаро ҳуқуқ тизимидаги ўрни, ахборот хавфсизлиги, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этиш билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, халқаро ахборот алмашинувини тартибга солувчи конституциявий, соҳавий, жиноят-процессуал, ахборот-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий манбалар тизими қисқача ёритилиб, мазкур соҳада қонунийлик ва тезкорлик ўртасидаги мувозанатни таъминлаш бўйича илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, халқаро ахборот алмашинуви, ҳуқуқий асос, трансмиллий жиноятчилик, Интерпол, кибержиноятчилик, шахсга доир маълумотлар, ахборот хавфсизлиги, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги.

Глобаллашув, рақамлашув ва трансмиллий алоқаларнинг кенгайиши жиноятчиликнинг шакл ва усулларини сезиларли даражада ўзгартирди. Айрим жиноятлар энди фақат бир давлат ҳудуди билан чекланмай, бир вақтнинг ўзида бир нечта юрисдикция, электрон платформа, молиявий тизим ва миграция оқимлари билан боғлиқ ҳолда содир этилмоқда. Шу сабабли тезкор-қидирув фаолиятида халқаро ахборот алмашинуви жиноятларни барвақт аниқлаш, фош этиш, қидирувдаги шахсларни топиш ва трансмиллий хавфларни баҳолашнинг зарур ҳуқуқий-ташкилий механизмига айланди. Бу жараён, аввало, Конституцияда мустақамланган қонунийлик, инсон ҳуқуқлари ва давлат органларининг қонун асосида фаолият юритиши принципларига таянади.¹

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни мазкур фаолиятни махсус ваколат берилган давлат органлари тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари орқали амалга ошириладиган фаолият сифатида белгилайди.² Ушбу

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. // URL: <https://www.lex.uz>.

²Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 25.12.2012 й. ЎПҚ–344-сон // URL: <https://www.lex.uz>.



таърифдан келиб чиқиб, халқаро ахборот алмашинувини тезкор-қидирув фаолиятининг ташқи ҳамкорликка оид функционал йўналиши сифатида тушуниш мумкин. Мазкур йўналишда маълумотларни олиш, юбориш, текшириш, таҳлил қилиш ва амалиётда фойдаланиш фақат қонуний мақсад, ваколатли субъектлар ва белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши лозим.

Илмий адабиётларда халқаро ахборот алмашинуви оддий маълумот юбориш ёки қабул қилиш жараёни сифатида эмас, балки давлат суверенитети, халқаро мажбуриятлар, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, ахборот хавфсизлиги, давлат ва хизмат сири ҳамда тезкор-қидирув фаолиятининг махсус ҳуқуқий режими билан боғлиқ мураккаб муносабатлар тизими сифатида баҳоланади.³ Шу боис унинг ҳуқуқий асослари фақат битта қонун ёки идоровий ҳужжат билан чекланмайди; улар конституциявий нормалар, соҳавий қонунлар, жиноят-процессуал қоидалар, ахборот ҳуқуқи, халқаро шартномалар ва амалий ҳамкорлик механизмлари мажмуидан иборат.

Тезкор-қидирув фаолиятида халқаро ахборот алмашинувининг ҳуқуқий асосларини шартли равишда бир неча гуруҳга ажратиш мумкин: конституциявий-ҳуқуқий асослар; соҳавий қонунчилик асослари; жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқий асослар; ахборот хавфсизлиги ва шахсга доир маълумотлар ҳимоясига оид асослар; халқаро-ҳуқуқий манбалар; Президент фармон ва қарорлари ҳамда давлат сиёсатини белгилайдиган стратегик ҳужжатлар; шунингдек, идоровий ва ташкилий-ҳуқуқий механизмлар. Бундай тасниф ҳуқуқни қўллаш амалиётида манбаларнинг ўзаро нисбати, ҳуқуқий кучи ва қўлланилиш доирасини аниқлаш имконини беради.

Конституциявий-ҳуқуқий асослар ушбу соҳанинг бош мезони ҳисобланади. Чунки халқаро ахборот алмашинуви жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида амалга оширилса-да, у шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига асоссиз аралашувга айланмаслиги керак. Қидирувдаги шахс ҳақида хорижий давлатдан маълумот сўраш ёки маълумот юбориш қонуний мақсадга хизмат қилиши мумкин, бироқ бунда шахсга доир маълумотларнинг ортиқча тарқатилиши, сиёсий ёки бошқа ноқонуний мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Демак, Конституция бу жараёнда нафақат умумий ҳуқуқий асос, балки чеклов ва кафолатлар манбаи ҳамдир.

³Герасимов С.И. Международное сотрудничество правоохранительных органов в борьбе с транснациональной преступностью. – М.: Юрист, 2010. – 276 с.; Доля Е.А. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании по уголовным делам. – М.: Спарк, 1996. – 112 с.



Соҳавий қонунчиликда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан бир қаторда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун ички ишлар органларининг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолият принциплари ва ҳамкорлик соҳасидаги ваколатларини белгилайди.⁴ Ички ишлар органлари қидирувдаги шахсларни аниқлаш, хорижий фуқаролар билан боғлиқ жиноятлар, кибержиноятлар, одам савдоси, ноқонуний миграция ва бошқа трансмиллий хавфлар бўйича халқаро ахборот алмашинувида муҳим субъектлардан бири ҳисобланади.

Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқий асослар ҳам халқаро ахборот алмашинуви учун муҳимдир. Жиноят қонунчилиги халқаро ахборот алмашинувида эҳтиёж туғдирадиган қилмишлар доирасини белгиласа, жиноят-процессуал қонунчилик халқаро ҳуқуқий ёрдам, далиллар, сўровлар, процессуал ҳаракатлар ва ҳуқуқий ҳамкорлик тартибларини белгилайди.⁵ Тезкор ахборот айрим ҳолларда тергов йўналишини белгилаши ёки шахсни қидиришга хизмат қилиши мумкин, аммо у процессуал талабларга мувофиқ расмийлаштирилмаса, далил сифатида бевосита қўлланилиши чекланади. Шу сабабли тезкор ахборот ва процессуал далил ўртасидаги ҳуқуқий чегарани аниқ сақлаш зарур.

Халқаро ахборот алмашинувида шахсга доир маълумотлар ҳимояси алоҳида ўрин тутаяди. Тезкор-қидирув фаолиятида алмашиладиган маълумотлар шахснинг исми-шарифи, туғилган санаси, фуқаролиги, ҳужжатлари, алоқа воситалари, электрон манзиллари, молиявий операциялари, ҳаракатланиш йўналишлари ёки ижтимоий алоқаларига оид бўлиши мумкин. “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун бундай маълумотларни йиғиш, сақлаш, фойдаланиш, бериш, тарқатиш ва узатиш жараёнида қонунийлик, мақсадга мувофиқлик ва ҳимояланганлик талабларини белгилайди.⁶

Ахборот хавфсизлигига оид ҳуқуқий асослар халқаро ахборот алмашинувининг техник ва ташкилий барқарорлигини таъминлайди. Маълумотлар электрон каналлар, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва ҳимояланган платформалар орқали алмашилганда уларга рухсатсиз кириш, ўзгартириш, йўқотиш ёки ошкор этиш хавфи юзага

⁴Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни. 16.09.2016 й., ЎРҚ–407-сон // URL: <https://www.lex.uz>.

⁵Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 22.09.1994 й. // URL: <https://www.lex.uz>.

⁶Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни. 02.07.2019 й., ЎРҚ–547-сон // URL: <https://www.lex.uz>.



келади. Шу боис “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун талаблари тезкор ахборотни ҳимоя қилиш, ахборот тизимларининг барқарорлигини таъминлаш ва электрон муҳитдаги хавфларни камайтиришда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажаради.⁷

Халқаро-ҳуқуқий асослар ичида БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси муҳим манба ҳисобланади. У давлатлар ўртасида ҳуқуқий ёрдам, ахборот алмашинуви, экстрадиция, қўшма текширувлар ва техник ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш заруратини белгилайди.⁸ Мазкур конвенциянинг умумий ғояси шундан иборатки, трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш алоҳида давлатнинг ички имкониятлари билангина чекланиб қолмаслиги, балки давлатлараро ишонч ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларга таяниши лозим.

Кибержиноятчилик бўйича халқаро ҳамкорлик алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки электрон далиллар, серверлар, доменлар, электрон ҳамёнлар, мессенжерлар ва алоқа платформалари кўпинча турли давлатлар ҳудудида жойлашган бўлади. Электрон маълумотлар тез йўқолиши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги сабабли уларни сақлаб қолиш, олиш ва алмашиш тезкор механизмларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан кибержиноятчиликка оид халқаро ҳужжатлар халқаро ахборот алмашинувининг замонавий ҳуқуқий асосларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.⁹

Интерпол доирасидаги ҳамкорлик халқаро ахборот алмашинувининг энг муҳим амалий механизмларидан биридир. Интерполнинг ҳуқуқий ҳужжатлари ва маълумотларни қайта ишлаш қоидалари полиция аҳамиятига эга маълумотлардан мақсадли, қонуний ва нейтрал асосда фойдаланишни назарда тутди.¹⁰ Миллий марказий бюролар орқали қидирувдаги шахслар, йўқолган ёки ўғирланган ҳужжатлар, транспорт воситалари, биометрик маълумотлар, хабарнома ва диффузиялар бўйича маълумотлар алмашилиши мумкин.¹¹ Бироқ бундай каналлардан

⁷Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни. 15.04.2022 й., ЎПҚ–764-сон // URL: <https://www.lex.uz>.

⁸United Nations Convention against Transnational Organized Crime. New York, 15 November 2000 // URL: <https://www.unodc.org>.

⁹United Nations Convention against Cybercrime. 2024 // URL: <https://www.unodc.org>; Council of Europe Convention on Cybercrime. Budapest, 23 November 2001 // URL: <https://www.coe.int>.

¹⁰Constitution of the International Criminal Police Organization — INTERPOL // URL: <https://www.interpol.int>; INTERPOL Rules on the Processing of Data // URL: <https://www.interpol.int>.

¹¹INTERPOL. I-24/7 Global Police Communications System; INTERPOL. Databases; INTERPOL. Notices and Diffusions // URL: <https://www.interpol.int>.



фойдаланиш ҳам инсон ҳуқуқлари, маълумотларни ҳимоя қилиш ва сиёсий нейтраллик талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Шу билан бирга, тезкор-қидирув фаолиятининг ахборот-таҳлилий хусусиятини мутлақлаштириш ҳам тўғри эмас. Ахборотнинг ўзи эмас, балки унинг қандай манбадан олингани, қай тартибда текширилгани, қайси мақсадда ишлатилиши, қай даражада ишончилиги ва шахс ҳуқуқларига таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун халқаро ахборот алмашинуви фақат техник маълумот алмашиш жараёни эмас, балки қонуний, мақсадли, назорат қилинадиган ва ҳуқуқий кафолатлар билан таъминланган махсус фаолият сифатида баҳоланиши лозим.¹²

Мазкур соҳада асосий муаммолардан бири ҳуқуқий нормаларнинг тарқоқлигидир. Халқаро ахборот алмашинувига оид қоидалар турли қонунлар, халқаро шартномалар, идоравий ҳужжатлар ва амалий йўриқномаларда жойлашган. Бу эса амалиётчи ходимлар учун зарур нормани тез топиш, уни тўғри талқин қилиш ва халқаро вазиятга мос қўллашда қийинчилик туғдириши мумкин. Шу сабабли халқаро ахборот алмашинувига оид очиқ норматив манбаларни тизимлаштириш, методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва кадрлар малакасини ошириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи муҳим муаммо тезкорлик ва расмийлик ўртасидаги мувозанатдир. Айрим ҳолларда маълумотни кечиктириб олиш унинг амалий аҳамиятини йўқотади, жиноятчининг яширинишига ёки электрон изларнинг йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Бироқ расмий тартибларни четлаб ўтиш қонунийлик, инсон ҳуқуқлари ва маълумотлар ҳимояси бузилишига олиб келади. Демак, халқаро ахборот алмашинувининг асосий мезони “ҳар қандай йўл билан тез” эмас, балки “тез, қонуний, хавфсиз ва мақсадли” бўлиши керак. Бу талаб халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари стандартлари билан ҳам уйғундир.¹³

Учинчи муаммо шахсга доир маълумотларни трансчегаравий узатиш билан боғлиқ. Хорижий давлатга юбориладиган ёки хориждан олиннадиган маълумотларнинг мақсадли ишлатилиши, учинчи шахсларга асоссиз берилмаслиги, сақлаш муддати, ҳимоя даражаси ва маълумот субъекти ҳуқуқлари аниқ тартибга солиниши лозим. Акс ҳолда халқаро ахборот

¹²Оперативно-розыскная деятельность: учебник / Под ред. К.К. Горяинова, В.С. Овчинского, Г.К. Синилова. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 848 с.; Ефремов А.А. Информационное обеспечение оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел. – М.: Юрлитинформ, 2015. – 240 с.

¹³Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Адолат, 2001. – 464 б.; Инсон ҳуқуқлари: дарслик / А.Х. Саидов умумий таҳрири остида. – Т.: Адолат, 2018. – 368 б.



алмашинуви инсон ҳуқуқлари бузилиши ёки маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш хавфини келтириб чиқаради.

Тўртинчи муаммо кибержиноятлар ва электрон далиллар билан боғлиқ. Рақамли муҳитда маълумотлар қисқа вақтда ўчирилиши, шифрланиши, бошқа серверга кўчирилиши ёки турли давлатлар ҳудудида сақланиши мумкин. Бу ҳолат тезкор маълумот олиш ва процессуал далил тўплаш ўртасидаги фарқни янада мураккаблаштиради. Шунинг учун кибержиноятлар бўйича халқаро ахборот алмашинувида ҳуқуқий, техник ва ташкилий механизмлар ўзаро уйғунлашган бўлиши лозим.¹⁴

Давлат сиёсатини белгилайдиган стратегик ҳужжатлар ҳам ушбу соҳанинг ривожланиш йўналишларини белгилайди. “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган.¹⁵ Бу вазифалар халқаро ахборот алмашинуви билан бевосита боғлиқ, чунки трансмиллий хавфларни барвақт аниқлаш миллий тизимнинг халқаро ҳамкорлик имкониятларига ҳам таянади.

Ушбу соҳани такомиллаштириш учун, биринчидан, халқаро ахборот алмашинувида оид очиқ ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш ва амалиётчи ходимлар учун методик қўлланмалар тайёрлаш; иккинчидан, шахсга доир маълумотларни трансчегаравий узатишнинг аниқ мезонларини белгилаш; учинчидан, кибержиноятлар бўйича электрон маълумотларни сақлаш ва олиш тартибларини такомиллаштириш; тўртинчидан, ҳимояланган ахборот каналлари ва халқаро электрон платформалардан фойдаланиш кўникмаларини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда халқаро ташкилотлар тавсиялари ва полиция ҳамкорлигига оид очиқ материаллардан самарали фойдаланиш мумкин.¹⁶

1. Хулоса қилиб айтганда, тезкор-қидирув фаолиятида халқаро ахборот алмашинувининг ҳуқуқий асослари кўп қатламли ва комплекс хусусиятга эга. Улар Конституция, соҳавий қонунлар, жиноят-процессуал нормалар, шахсга доир маълумотлар ва киберхавфсизликка оид қонунчилик, халқаро шартномалар, Интерпол ва бошқа ташкилотлар

¹⁴United Nations Office on Drugs and Crime. Cybercrime and Anti-Money Laundering Publications // URL: <https://www.unodc.org>.

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони // URL: <https://www.lex.uz>.

¹⁶OSCE. Police-related Activities and Transnational Threats Publications // URL: <https://www.osce.org>.



механизмлари ҳамда давлат сиёсатини белгилайдиган стратегик ҳужжатларда ифодаланади. Мазкур соҳанинг самарадорлиги маълумотнинг тезлиги билангина эмас, балки унинг қонунийлиги, ишончлилиги, мақсадга мувофиқлиги, хавфсизлиги ва инсон ҳуқуқларига мувофиқлиги билан белгиланади. Шу сабабли халқаро ахборот алмашинувини такомиллаштиришда ҳуқуқий, ташкилий, ахборот-таҳлилий ва техник механизмларни биргаликда ривожлантириш зарур.